



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 30 » noyabr

№ 636

Toshkent sh.

**Вазирлар Маҳкамасининг “Солик тўловчиларни ҳисобга
қўйиш соҳасидаги айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича
маъмурий регламентларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 2 апрелдаги
150-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли хизматлар қамрови
ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация
қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПҚ-162-сон қарорига
мувофиқ, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартибини соддалаштириш
орқали аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси
қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли хизматлар қамрови
ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация
қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПҚ-162-сон қарорида
**солик декларацияларини (йиллик, ихтиёрий, дастлабки, чет эл жисмоний
шахслари мол-мулкини реализация қилишдан олинган даромадлар)** тақдим
этиш ҳамда жисмоний шахсларнинг ортиқча тўланган соликларини қайтаришга
(нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган тўловлар, ўқиш учун
тўланган контракт суммаларини, олинган ипотека кредитлари) **ариза юбориши**
бўйича давлат хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиш белгиланганлиги
маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Солик тўловчиларни ҳисобга қўйиш соҳасидаги
айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентларни
тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 2 апрелдаги 150-сон қарорига иловага мувофиқ
куйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**жисмоний шахсларнинг жами йиллик, ихтиёрий ва дастлабки тарздаги
ҳамда чет эл жисмоний шахсининг мол-мулкини реализация қилишдан
олинган даромадлари тўғрисидаги декларацияларини тақдим этиш бўйича
давлат хизматини кўрсатиш тартибини жорий этиш;**

жисмоний шахсларнинг профессионал ва олий таълим, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар ҳамда олинган ипотека кредитларига йўналтирилган даромадлари бўйича ортиқча тўланган даромад солиғини қайтаришга ариза юбориш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – иктисадиёт ва молия вазири Ж.А.Кўчкоров ҳамда Солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 30 ноябрдаги 636 – сон қарорига
илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш соҳасидаги айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 2 апрелдаги 150-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 2-бандда:

еттинчи хатбошидаги “мувофиқ тасдиқлансин.” сўzlари “мувофиқ;” сўзи билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Жисмоний шахсларнинг жами йиллик, ихтиёрий ва дастлабки тарздаги ҳамда чет эл жисмоний шахсининг мол-мулкини реализация қилишдан олинган даромадлари тўғрисидаги декларацияларини тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 7-иловага мувофиқ;

Жисмоний шахсларнинг профессионал ва олий таълим, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар ҳамда олинган ипотека кредитларига йўналтирилган даромадлари бўйича ортиқча тўланган даромад солиғини қайтаришга ариза юбориш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин”.

2. 3-банддаги “давлат солиқ” ва “Давлат солиқ” сўzlари тегишлича “солиқ” ва “Солиқ” сўzlари билан алмаштирилсин.

3. 3, 4 ва 5-бандлардаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси” сўzlари “Солиқ қўмитаси” сўzlари билан алмаштирилсин;

4. 1-иловада:

1-банд “текин фойдаланиш шартномаларини” сўzlаридан кейин “Давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали” сўzlари билан тўлдирилсин;

2-банд “қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади ва” сўzlаридан кейин “солиқ хизматлари ёки ЯИДХП орқали” сўzlари билан тўлдирилсин;

6-банд “иккиламчи ижарага (текин фойдаланишга) беришга рухсат берганлигини” сўzlаридан кейин “ЯИДХП ёки” сўzlари билан тўлдирилсин;

10-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Кўчмас мулк шартномаларини солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ЯИДХП ёки Солиқ қўмитасининг маҳсус автоматлаштирилган ахборот тизимида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали масофадан туриб, фақат электрон шаклда реал вақт режимида амалга оширилади”.

5. Куйидаги мазмундаги 7 ва 8-иловалар билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 2 апрелдаги 150-сон қарорига
7-илова

**Жисмоний шахсларнинг жами йиллик, ихтиёрий ва дастлабки
тарздаги ҳамда чет эл жисмоний шахсининг мол-мулкини реализация
қилишдан олинган даромадлари тўғрисидаги декларацияларини
такдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент декларация топширувчи жисмоний шахсларнинг (кейинги ўринларда – декларация топширувчи) жами йиллик, ихтиёрий ва дастлабки тарздаги ҳамда чет эл жисмоний шахсининг мол-мулкини реализация қилишдан олинган даромадлари тўғрисидаги декларацияларини (кейинги ўринларда – солик декларациялари) такдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари, Электрон солик хизматлари портали ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали Солик қўмитаси (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ҳамда ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 393-моддасида кўрсатилган декларация асосида солик солинадиган даромадлар ҳамда ушбу Кодекснинг 378–380-моддаларида назарда тутилган имтиёзларга эга бўлган ҳолда солик агенти томонидан тўлов манбаида имтиёз қўлланилмаган солик тўловчиларга нисбатан татбиқ этилади.

5. Декларация топширувчилар Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 81-моддасига асосан ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган хисбот шакллари асосида давлат хизматидан фойдаланади.

6. Давлат хизматини кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

7. Декларация топширувчи ёки унинг қонуний вакили давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига шахсан ташриф буорган ҳолда мурожаат қиласида ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

8. Декларация топширувчи шахсан ташриф буюрган ҳолда мурожаат қилган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими солиқ декларациясини юборувчи номидан, Электрон солиқ хизматлари портали ёки ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Регламентнинг 5-бандида кўрсатилган ҳисобот шаклларини электрон тарзда тўлдиради.

9. Солиқ имтиёзидан фойдаланиш мақсадида декларация топширувчилар электрон тарзда кўшимча сўровнома тўлдириши лозим.

10. Давлат хизматида солиқ мажбурияти билан боғлиқ бўлган маълумотлар (мерос ёки ҳадя, олди-сотди ва ижара шартномалари, қимматли қофозлар ва юридик шахсларнинг устав капиталидаги улушлар (пайлар), Республика ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар) тегишли вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари билан ахборот алмашинуви асосида шаклланади.

11. Солиқ декларацияси тўлдирилгач декларация юборувчи маълумотлар тўғрилигини текширади ҳамда имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (ЭРИ, дактилоскопия, электрон имзо, мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

12. Давлат хизмати кўрсатилгани учун тўлов ундирилмайди.

13. Солиқ декларациясида нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизмати кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

14. Декларация юборувчилар давлат хизматидан фойдаланишдан хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш хукуқига эга.

Декларацияси юборувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортган тақдирда, унинг декларацияси кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

15. Декларация юборувчи Давлат хизматлари марказига ташриф буюрган ҳолда мурожаат этган тақдирда, унинг солиқ декларацияси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ўн дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

Электрон солиқ хизматлари портали ва ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда эса солиқ декларацияси автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

16. Декларация юборувчининг декларацияси нотўғри тўлдирилган ҳолда ваколатли органга тақдим этилганда, маълумотлар тўғриланиб қайта ҳисобот тақдим этиши мумкин.

17. Ваколатли орган солиқ декларацияси келиб тушган вақтдан бошлаб беш иш куни ичida солиқ декларациясидаги маълумотларни тўғрилигини текшириб чиқади, маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, солиқ декларациясини қабул қиласди ва маълумотлар нотўғрилиги аниқланган тақдирда, сабабларини кўрсатган ҳолда декларация юборувчини маълумотларни беш иш куни ичida тўғриланган ҳолда қайта ҳисобот юбориш тўғрисида хабардор қиласди.

Бунда ваколатли орган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация бланкасини ташриф буюрган ҳолда мурожаат этилган тақдирда, Давлат хизматлари марказига, электрон тарзда мурожаат этган тақдирда, шахсий кабинети ёки ЯИДХП орқали декларация юборувчига электрон тарзда юборади.

18. Давлат хизматлари маркази декларация бланкаси келиб тушгандан сўнг ўн дақиқа ичида уни декларация топширувчининг электрон манзилига юборади ва бу ҳақда ахборот тизими орқали хабардор қиласди.

Бунда Давлат хизматлари маркази декларация юборувчи ташриф буюрган ҳолда мурожаат қиласган тақдирда, декларация юборувчининг аризасига кўра унга декларация бланкасини электрон ёки қофоз шаклда тақдим этиши мумкин.

3-боб. Якунловчи қоидалар

19. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

21. Декларация топширувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-харакатлари юзасидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

22. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик, ихтиёрий ва дастлабки тарздаги ҳамда чет эл жисмоний шахсининг мол-мулкини реализация қилишдан олинган даромадлари тўғрисидаги декларацияларини тақдим этиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик, ихтиёрий ва дастлабки тарздаги ҳамда чет эл жисмоний шахсининг мол-мулкини реализация қилишдан олинган даромадлари тўғрисидаги декларацияларини тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Жисмоний шахс	Давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ташриф буюрган ҳолда ҳамда Солик хизматлари портали ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда мурожаат қиласди.	Реал вақт режимида
2-босқич	Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП	Декларация юборувчи Давлат хизматлари марказига ташриф буюрган ҳолда мурожаат этган тақдирда, унинг солик декларацияси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ваколатли органга электрон шаклда юборилади. Солик хизматлари портали ва ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда эса солик декларацияси автоматик тарзда ваколатли органга юборилади	10 дақиқа ичida Реал вақт режимида
3-босқич	Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП	Ваколатли орган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация бланкасини ташриф буюрган ҳолда мурожаат этилган тақдирда, Давлат хизматлари марказига, электрон тарзда мурожаат этган тақдирда, шахсий кабинети ёки ЯИДХП орқали декларация юборувчига электрон тарзда юборади.	Реал вақт режимида
4-босқич	Ваколатли орган (туман (шахар) солик инспекцияси	Ваколатли орган солик декларациясидаги маълумотларни тўғрилигини текшириб чиқади, маълумотларни тўғрилигига ишонч ҳосил қиласди тақдирда, солик декларациясини қабул қиласди ҳамда декларация юборувчини хабардор қиласди.	5 иш куни ичida

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 2 апрелдаги 150-сон қарорига
8-илова

**Жисмоний шахсларнинг профессионал ва олий таълим, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар ҳамда олинган ипотека кредитларига йўналтирилган даромадлари бўйича ортиқча тўланган даромад солиғини қайтаришга ариза юбориш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент ортиқча тўланган солиқларни қайтаришга ариза берувчи жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда – ариза берувчилар) профессионал ва олий таълим, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар, шунингдек, олинган ипотека кредитларига йўналтирилган даромадлари бўйича ортиқча тўланган даромад солиғини қайтаришга ариза юбориш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари, Электрон солиқ хизматлари портали ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали Солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизматини кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби

5. Ариза берувчи ёки унинг қонуний вакили давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига шахсан ташриф буюрган ҳолда мурожаат қиласи ва (ёки) давлат хизматидан Электрон солиқ хизматлари портали ёки ЯИДХП орқали электрон тарзда фойдаланади.

6. Ариза берувчи шахсан ташриф буюрган ҳолда мурожаат қиласи тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, Электрон солиқ хизматлари портали ёки ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ аризани электрон тарзда тўлдиради.

7. Ариза тўлдирилгандан сўнг ундаги маълумотларнинг тўғрилиги текширилади ва имзоларни идентификация қилишининг тегишли воситалари (ЭРИ, дактилоскопия, электрон имзо, мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқланган ҳолда юборилади ҳамда QR-кодли (матрик штрихли код) ариза шахсий кабинетида шаклланади.

8. Давлат хизмати кўрсатилгани учун тўлов ундирилмайди.

9. Аризада нотўғри маълумотларниң кўрсатилган тақдирда, ваколатли орган ариза берувчига беш иш куни ичида тўғриланган ҳолда қайта ариза юбориш тўғрисида хабардор қиласди.

10. Ариза берувчилар давлат хизматидан фойдаланишдан хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортган тақдирда, унинг аризаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

11. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига ташриф буюрган ҳолда мурожаат этган тақдирда, унинг аризаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг ўн дақиқа ичида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. Электрон солиқ хизматлари портали ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда эса ариза автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

12. Ваколатли орган ариза тушган вақтдан бошлаб ўн иш куни ичида аризани кўриб чиқади ва аризага жавоб хатини тайёрлаб, ташриф буюрган ҳолда этилган мурожаат бўйича Давлат хизматлари марказига, электрон тарзда келиб тушган мурожаат бўйича шахсий кабинети ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига электрон тарзда юборади.

13. Давлат хизматлари маркази жавоб хати келиб тушгандан сўнг ўн дақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади.

Бунда Давлат хизматлари маркази ариза берувчи ташриф буюрган ҳолда мурожаат қилган тақдирда, ариза берувчининг аризасига кўра унга жавоб хатини электрон ёки қофоз шаклда тақдим этиши мумкин.

3-боб. Якунловчи қоидалар

14. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларниң сир сақланишини таъминлайди.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларниң фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

16. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

17. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жисмоний шахсларнинг профессионал ва олий таълим, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар ҳамда олинган ипотека кредитларига йўналтирилган даромадлари бўйича ортиқча тўланган даромад солигини қайтаришга ариза юбориш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентига 1-илова

Жисмоний шахсларнинг профессионал ва олий таълим, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар ҳамда олинган ипотека кредитларига йўналтирилган даромадлари бўйича ортиқча тўланган даромад солигини қайтаришга ариза юбориш бўйича давлат хизмати кўрсатиш
СХЕМАСИ

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскич	Жисмоний шахс	Давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ташриф буюрган ҳолда ёки ЯИДХП орқали мурожаат қиласи.	Ўз хоҳишига кўра
2-боскич	Давлат хизматлари маркази ЯИДХП	Ариза шаклини тўлдириб, электрон тарзда туман (шаҳар) солиқ инспекциясига юборади. Тўлдирилган ариза автоматик тарзда туман (шаҳар) солиқ инспекциясига юборилади.	10 дақиқа ичida Реал вакт режимида
3-боскич	Ваколатли орган (туман (шаҳар) солиқ инспекцияси	Аризани кўриб чиқади ва аризага жавоб хатини тайёрлаб, ташриф буюрган ҳолда этилган мурожаат бўйича Давлат хизматлари марказига, электрон тарзда келиб тушган мурожаат бўйича шахсий кабинети ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига электрон тарзда юборади.	10 иш куни ичida
4-боскич	Давлат хизматлари маркази	Ариза олингандан сўнг уни жисмоний шахснинг электрон манзилига юборади. Жисмоний шахс ташриф буюрган ҳолда мурожаат қилган такдирда, унга жавоб хатини электрон ёки қофоз шаклида тақдим этади.	10 дақиқа ичida Жисмоний шахснинг сўровига кўра

Жисмоний шахсларнинг профессионал ва олий таълим, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар ҳамда олинган ипотека кредитларига йўналтирилган даромадлари бўйича ортиқча тўланган даромад солиғини қайтаришга ариза юбориш бўйича давлат хизмати кўрсатишининг маъмурий регламентига 2-илова

**Жисмоний шахсларнинг профессионал ва олий таълим, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар ҳамда олинган ипотека кредитларига йўналтирилган даромадлари бўйича ортиқча тўланган даромад солиғини қайтариб олиш учун
АРИЗА**

Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар:	
1. Доимий яшаш жойи (худуд номи)	Танланади
1.1. Туман/шахар номи	Танланади
2. ЖШШИР	Автоматик шаклланади
3. Фамилияси	Автоматик шаклланади
4. Исми	Автоматик шаклланади
5. Отасининг исми	Автоматик шаклланади
6. Яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили (тўлик)	Автоматик шаклланади
7. Телефон раками	Киритилади
8. Электрон почта манзили	Киритилади
9. Солиқ тури	Автоматик шаклланади
10. Шахсий газна ҳисобвараги	Автоматик шаклланади
11. Ортиқча тўланган сумма	Автоматик шаклланади
12. Сумма сўз билан	Автоматик шаклланади
13. Қайтариш ёки ҳисобга олиш	Танланади
14. Шахсий банк карта раками	Киритилади
15. Транзит ҳисобвараги	Автоматик шаклланади
16. Банк МФО	Автоматик шаклланади
17. Қайтариладиган (бошқа солиқ турига ўтказиладиган) сумма	Киритилади
18. Сумма сўз билан	Автоматик шаклланади

Изоҳ. Уишибу аризада қайд этилган маълумотларнинг тўлиқ ва ҳақиқийлигини ҳамда менга тегишили банк пластик карта раками тўғри кўрсатилганлигини тасдиқлайман”.

